

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ БОРАСИДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Аблакулов Уткир Хуррамович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактабининг

Жиноят ҳуқуқи ихтисослиги 1-гурӯҳ тингловчиси

utkirablakulov@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10521550>

Аннотация. Мазкур мақолада ярашув институти борасида хорижий давлатлар тажрибаси боғлиқ масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада муаллиф жаҳонда бир қанча ҳуқуқ оилалари мавжуд бўлган ярашув институтини қўллаш асослари ва амалиёт жараёнида юзага келаётган бир қанча фарқли жиҳатларини таҳлил қилиб ўтган.

Калит сўзлари: Айб, айбдор, жиноят, жавобгарлик, жабрланувчи, жазо, хорижий давлатлар, ярашув, одил, судлов.

Ўзбекистон миллий қонунчилик тизимига кириб келган ярашув институти аввало жаҳон мамлакатлари тажрибасида мавжуд бўлиб, йиллар давомида синалиб, ўзининг ижобий натижалари асосида хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқ тизимига жорий этилмоқда, аввало бошқа ҳуқуқ институтлари ўз-ўзидан жорий қилинмагани каби ярашув институтини амалиётга татбиқ қилиш ҳам ҳаётий эҳтиёжлар, ижтимоий муносабатларнинг янгиланиб бориши жараёнида вужудга келди.

Жумладан, 60-йилларнинг охирида Европада жиноят оқибати ҳамда у билан боғлиқ ҳолда вужудга келган масалаларга бевосита ҳуқуқбузар ва жабрланувчини қандай қилиб жалб қилиш мумкинлиги тўғрисидаги масала кенг муҳокама қилина бошлади. Ушбу даврда турли Европа мамлакатларида инновацион лойиҳалар билан боғлиқ аниқ таклифлар шакллана бошлади, натижада 70 йилларнинг ўрталарида Канада ва АҚШда ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасидаги воситачилик соҳасидаги илк тажрибалар ўтказилди. Хусусан, замонавий одил судлов концепциясида жиноят содир этган шахс жиноят оқибатларини англаб етади ва жабрланувчига етказилган зарарни қоплайди, деган ғоя ётади¹.

Шундай экан, бугунги кунга келиб, одил судловнинг жазоловчи парадигмасига муқобил йўл сифатида жаҳон амалиётида тикловчи одил судлов қўлланилмоқда. Бир қатор Европа давлатларида ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасидаги воситачилик дастурлари юридик жиҳатдан тартибга солинган. Жумладан, Австрия, Германия, Финляндия ва Польшада “Ювенал юстиция тўғрисида”ги Қонунда воситачилик институти ҳам ўз ифодасини топган. Ушбу ҳолатда воситачилик тартиби давлат прокурори ёки судья томонидан кўтарилади ва суд муҳокамасига муқобил усул сифатида намоён бўлади².

Шунингдек, вояга етган ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасидаги воситачилик бир қатор

¹Гуськова А.П. Медиация как метод восстановительного правосудия в уголовном судопроизводстве // Уголовный процесс. – Москва, 2009. -№10. –С.25.

² Арупонян А.А. Международны стандарты медиации в уголовном судопроизводстве//Закон. - Москва, 2011. - №-9.

давлатларнинг Жиноят-процессуал кодекси (Австрия, Франция, Бельгия, Финляндия, Польша ва Жиноят кодексларида (Германия, Финляндия, Польша) тартибга солинган³. Франция Жиноят-процессуал кодексида шунингдек, вояга етмаганлар учун воситачилик (“reparation”) алоҳида кўрсатилган. Бу ерда айниқса, давлат прокурорининг ташаббуси билан воситачилик тартибини ўтказиш билан боғлиқ тизим кенг қўлланилади. Унга мувофиқ прокурор ўз ваколати доирасида ишни воситачилик дастурига юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли⁴.

Жиноят ва жиноят-процессуалда ярашув институти нафақат жаҳон мамлакатларининг миллий қонунчилиги билан тартибга солинган, балки, ҳалқаро ташкилотлар томонидан ҳам ушбу масалада норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Жумладан, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши томонидан 2002 йил 24 июлда “Реституциявий одил судловни Жиноят ишлари бўйича суд юритуви масалаларида қўллашнинг асосий принциплари”, БМТ томонидан “Жиноятлар ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш жабрланувчилари учун одил судловнинг асосий принциплари Декларацияси”, Европа Иттифоқи томонидан 2001 йил 15 мартдаги “Жиноят суд иш юритувида жабрланувчиларнинг ўрни тўғрисида”ги Қарори (2001/220/JHA) қабул қилинган. МДҲ давлатларининг намунавий Жиноят кодексида ҳам “Жабрланувчи билан ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш”, деб номланган алоҳида 75-модда мавжуд. Унга мувофиқ, “Унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс, башарти у жабрланувчи билан ярашса ва жиноят туфайли етказилган зарарни қопласа, суд томонидан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин”, дейилади⁵.

Умуман олганда, ҳозирги кунда ярашув институти 40 дан ортиқ хорижий давлатларда амал қилади. Айрим давлатларда бу институт “яраштирувчилик” деб аталади (Масалан: Россия, Янги Зеландия, Болгария, АҚШ нинг айрим штатлари), бошқа давлатларда “келишув” (Германия, Руминия, Туркия ва бошқалар), яна бошқа бир давлатларда тарафларнинг дастлабки терговдаги келишуви деб юритилади. Жумладан, ГФРда ярашувчилик ярашув камерасида махсус судья томонидан амалга оширилади. Махсус судья 3 йил муддатга туман суди директори билан келишган ҳолда жамоат кенгаши тақдимида биноан маҳаллий жамоа ёки шаҳар туманида сайланади. Бу судьянинг фаолияти юзасидан шикоятлар округ адлия бошқармасида кўриб чиқилади⁶.

Маълумки, жаҳонда бир қанча ҳуқуқ оилалари мавжуд бўлиб, уларда ярашув институтини қўллаш асослари ва жараёнида бир қанча фарқли жиҳатларни кўришимиз мумкин. Масалан: Англо-саксон ҳуқуқ тизимида оид давлатлар жиноят ҳуқуқида ярашув институтини қўллашнинг моддий-ҳуқуқий асоси бўлиб қилмишнинг кам аҳамиятлиги ҳисобланади. Континентал ҳуқуқ тизимида мансуб давлатларда эса, ярашув асослари янада аниқ қилиб кўрсатиб ўтилади. Континентал ҳуқуқ тизимида

³Давыденко Д.Л. Содействие примирению сторон в странах западной Европы // Третейский суд. –Москва, 2011.-№5. –С.162-172.

⁴ Степанов В.В. Освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением с потерпи // Российская юстиция. - 2001, №8. – С.52.

⁵ Айретсен И. Деятельность в области восстановительного правосудия в Европе // Вестник восстановительной юстиции. Вып. 3. –М., 2001. –С. 4,5-7.

⁶ Арупопя А.А Международны стандарты медиации в уголовном судопроизводстве//Закон. - Москва, 2011. №-9

мансуб давлатларда ҳуқуқбузарнинг жабрланувчи билан ярашиши оммавий шартнома кўринишида расмийлаштирилади.

Масалан, Нидерландия, Бельгия, Францияда бундай ярашув “ўзаро мураса билан амалга ошириладиган” жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги келишув маъносини англатадиган “трансакция” (transaction) номини олган.

Турли давлатларда ярашув институтининг номи турлича бўлганидек, уни қўллашнинг фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, немис қонунчилигининг умумий жиноят ҳуқуқи ва ярашувнинг раҳбарий ғоясидан фарқли жиҳати шундаки, ярашувни қўллаш учун жабрланувчининг розилиги мажбурий элемент сифатида кўзда тутилмаган⁷.

Нисбатан кейинроқ киритилган ушбу қоида жабрланувчи билан ярашув ҳамда етказилган зарарни қопланиши давлатнинг жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси сифатида тушунилишини кўзда тутди ҳамда уни қўллаш фақатгина жабрланувчи иродаси билан боғлаб қўйилмайди⁸.

Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи жабрланувчи манфаатларини ҳам хизмат юзасидан текширишлари ва у асосли бўлса, зарур ҳажмда зарар қопланишини таъминлашлари лозим.

Жумладан, Америка Қўшма Штатларида жиноятдан жабр кўрган ва жиноятчи ўртасидаги зарар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда воситачилик ассоциация мавжуд. Ушбу ассоциация Миннеаполис шаҳрида воситачилик марказини ташкил қилиб бевосита шу марказ жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида бўлган можароларни ярашув асосида ҳал этиш билан шуғулланар экан.

Қатор хорижий давлатлар жиноят қонунларининг таҳлили уларда жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтига алоҳида боблар бағишланганлигини кўрсатди. Масалан, Испаниянинг 1995 йилги Жиноят кодексига “Жазони ижро этиш бошлангунга қадар жабрланувчи томонидан айбдорни кечирилганлиги туфайли жиноий жавобгарликни бекор қилиш” тўғрисидаги норма мавжуд. Испания Жиноят Кодексининг 340-моддасига кўра 16-бўлимда назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этган жиноятчи етказилган зарарни ихтиёрий тарзда қоплаган бўлса, суд ёки трибунал унга жазо тайинлашда бир поғона енгил жазо тайинлаши мумкин.

1997 йилги Польша Жиноят кодекси 66-моддасида эса, “етказилган зарар қопланса, жиноий таъқиб шартли равишда тугатилиши” мумкинлиги кўзда тутилган.

Германия Жиноят кодексининг учинчи бўлим, иккинчи бобида жазони белгилаш асослари белгиланган бўлиб, унинг 46 а-моддасига асосан, агар жиноят содир этган шахс:

- 1) Жабрланувчи билан келишувга эришишса, ҳаркатлари натижасида етказилган зарарни тўлиқ ёки қисман қопласа ёки зарарни қоплашга жиддий ҳаракат қилса;
- 2) Агар зарарни қоплаш жиноят содир этган шахсдан сезиларли шахсий ҳаракатларни ёки бирор нарсадан шахсан воз кечишни талаб қилса ҳамда шахс жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ ёки қисман қопласа жазо енгиллаштирилиши

⁷Юрков В.В. Институт примирения с потерпевшим в системах обращения с несовершеннолетними правонарушителями в России, Австрии и Германии // Криминологический журнал ОГУЭП. 2009. №1(7). – С. 47.

⁸ Сахаддинов С.М. Ярашув институти: илмий-назарий, жиноят-ҳуқуқий ва процессуал асослари. Монография. Тошкент 2013.

ёки жазодан озод қилиниши мумкин. Агар бир йилга озодликдан маҳрум этиш ёки 360 кунлик пул жарима ставкасидан оғирроқ жазо назарда тутилмаган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш берилган ҳам худди шунга ухшаш нормади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддаси Германия Жиноят кодексидан фарқли равишда бизда жабрланувчи билан ярашилганда ва етказилган зарар қопланганда жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар рўйхати аниқ келтирилган. Яна бир фарқли жиҳат Германияда жазодан озод қилинса, Ўзбекистон Республикасида жавобгарликдан озод қилинади.

Франция Жиноят кодексининг 6 кичик бўлим, 132-59-моддасига биноан, агар айбланувчи етказилган зарарни қопласа ёки бошқача йўллар билан бартараф қилса ҳамда айбланувчи яшаётган ижтимоий муҳит унинг қайта тарбияланиши (ижтимоий редаптация) учун мос бўлган тақдирда жазодан озод этилиши мумкин.

Франция Жиноят кодексининг 132-60 моддасида айбдорнинг ижтимоий қайта тарбияланишга эришилаётган бўлса, етказилган зарар қопланаётган бўлса ва жиноий ҳаракатлар натижасида етказилган зарар яқин орада бартараф этиладиган бўлса, суд жазо тайинлашни кечиктириши мумкин. Бундай ҳолатда суд жазо белгилайдиган кун белгиланади. Жазони кечиктириш айбланувчи жисмоний шахс ёки унинг вакили иштирок этаётган бўлса белгиланиши мумкин деб мустаҳкамлаб қўйилган. 132-61-моддасида эса қайта суд мажлисида суд шахсни жазодан озод қилиши ёки муайян жазо белгилаши ёки 132-60-моддада назарда тутилган тартибда яна жазо тайинлашни кечиктириши мумкинлиги қайд этилган.

Франция давлатидаги “ярашувчилик” институтига мурожаат этадиган бўлсак, бу давлатда кўпчилик ҳолларда меҳнат низоларини кўриш юзасидан ярашув жорий этилган. Франция давлатидаги “ярашув” институти ёки ҳакамлар судининг келиб чиқиши қадимий бўлиб, 1632-35 йилларда Лион шаҳрида ёлланма меҳнатчи ва иш берувчилар ўртасида келиб чиқадиган меҳнат низолари ва бошқа ижтимоий хавфи катта бўлмаган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш учун тузилган суд ҳисобланади.

Ушбу судда фаолият юритаётган судьяларнинг сони 4та бўлиб, ёлланма ишчилар ва иш берувчилар ўртасидан жуфт ҳолда сайланади. Ушбу судьялар мутахассис судьялардан фарқ қилиб касбий мутахассисликка эга эмас. Бу судьялар бугунги пайтда Франция давлатида 270 тани ташкил этиб ҳар йили 80 мингга яқин ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни кўриб чиқади. Судьялар ҳукм чиқариш жарёнида ёлланма меҳнатчи ва иш берувчи томонидан тенг равишда сайланган судьяларнинг овоз беришлари орқали иш ҳал этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Франция давлатида “ярашув” қўмиталари жиноий ва меҳнат билан боғлиқ ишларни текинга кўриб чиқишади. Меҳнат билан боғлиқ ишларда жабрланувчига оғир шикаст етказилса ва бошқа оғир оқибатлар келиб чиқса “ярашув” қўмитаси ишни қуйи инстанция судига оширади.

Германия Федератив Республикасида ярашувчилик ярашув камерасида махсус судья томонидан амалга оширилади. Ушбу махсус судья 3 йил муддатга туман суди директори билан келишган ҳолда жамоат кенгаши тақдимида биноан маҳаллий жамоа

ёки шаҳар туманида сайланади. Бу судьянинг фаолияти юзасидан шикоятлар округ адлия бошқармасида кўриб чиқилади.

ГФР жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги жабрланувчи билан ярашувни жиноят процессининг қайси босқичида амалга оширилишига қараб ҳуқуқий оқибатлари турлича бўлишини кўзда тутди. Прокуратура ва суд процесснинг ҳар бир босқичида жабрланувчи билан ярашувни қўллаш имкониятини текшириб кўришлари, зарур ҳолларда эса, башарти бу жабрланувчининг яққол ифодаланган иродасига қарши бўлмаса, ярашувга эришиш мақсадида процесс иштирокчиларига таъсир қилишлари лозим.

Испания Жиноят қонунида эса, жавобгарликдан озод этишнинг ўзига хос усули жабрланувчининг айбдорни кечириши институти қўлланилиши кўзда тутилган (130-м., 4-6.). Ушбу институтнинг қўлланилиши суд учун мажбурий бўлган жабрланувчи эрк-иродаси ифодаси бўлибгина қолмай, балки, жавобгарликнинг моддий-ҳуқуқий муносабатларини ҳам бекор қилади. Кечириш институтини қўллаш учун қонунда кўзда тутилган талаб унинг аниқ-равшан ифодаланиши борасида бўлиб, қонунда уни қўллаш жазо ижроси бошлангунга қадар амалга ошириш мумкинлиги белгиланган (130-м., 4-қ.)⁹. Ҳақорат ёки тухмат жиноятларидан бири содир этилса, “кечириш” ҳуқуқи нафақат жабрланувчи, балки у вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган ҳолатларда унинг қонуний вакилига ҳам тааллуқли бўлади. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, жавобгарликдан озод қилишнинг бу тури Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ўзгача берилган бўлиб, МДҲ давлатларининг Жиноят кодексида белгиланган тартибдан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикаси ЖК қандай жиноятлар учун қўлланиши лозимлиги аниқ моддаларда белгиланган бўлса, бошқа давлатларнинг аксариятида ижтимоий хавфлилиги катта бўлмаган жиноятларга ва ҳатто, айрим давлатлар ЖКларида оғир бўлмаган жиноятларни содир этганда ҳам қўлланилиши мумкинлигини кўришимиз мумкин.

Сўнги йилларда, умумий ҳуқуқ тизимига оид давлатларда ҳам, континентал ҳуқуқ тизими хос бўлган давлатларда ҳам, ҳуқуқбузарлик жабрланувчисига етказилган зарарни қоплашнинг янада мукамал усуллари ишлаб чиқишга бўлган интилишнинг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда. Бунда сўз авваламбор, ҳуқуқбузар томонидан етказилган зарарни жабрланувчи билан ярашганлик муносабати билан қоплаш ҳақида бормоқда. Миллий жиноят ҳуқуқи назариясида жабрланувчи билан ярашув жиноятчиликка қарши курашда мураса ва келишув усули, жиноий адлияга “муқобил чора” сифатида кўрилса¹⁰, мазкур ҳолат тўлалигича хорижий мамлакатлар жиноий адлиясига ҳам тааллуқли. Бунда айбдорни жиноий жавобгарликдан озод этувчи жабрланувчи билан ярашганлик фактининг ўзи ривожланаётган ғарб давлатларида жиноят ишлари бўйича “ҳуқуқини тикловчи одил судлов”нинг бир йуналиши сифатида баҳоланади¹¹. Н.Кристи таъкидлаганидек, “жабрланувчи учун

⁹Уголовный кодекс Испании. –М., 1998. –С. 48.

¹⁰Саҳаддинов С.М. Ярашув институти: илмий-назарий, жиноят-ҳуқуқий ва процессуал асослари. Монография. Тошкент 2013.

¹¹ Чернышова Т.В. Понятие и виды примирения в российском праве: Дисс...канд. юрид. Наук. –М.: Российская академия правосудия, 2012. –С.9.

авваламбор жиноятчи, кейинги навбатда маҳаллий уюшма, ундан кейин эса давлат нима қилиши лозимлиги” ни аниқлаш лозим. Шунга кўра, таъкидлаш мумкинки, хорижий мамлакатлар қонунчилигида жиноятчининг етказилган зарарни қоплаш мажбуриятига алоҳида урғу берилади.

Аксарият ривожланган ғарб давлатлари тажрибаси жиноят ҳуқуқи диспозитив асосларининг кенгаяётганидан далолат бериб, бу улар тараққиётининг ижобий жиҳатидир. Шунингдек хорижий мамлакатларда жабрланувчи билан ярашув институтининг ривожланиши давлат жиноят сиёсатида – айниқса, ўз олдига жабрланувчи ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва жиноятчини самарали ижтимоийлаштириш вазифасини қўйган. Жумладан, дунёнинг кўпгина давлатларида вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ижтимоий реабилитацияси ҳуқуқбузар ва жабрланувчини яраштириш бўйича давлат дастурлари (Victim-Offender Reconciliation Programs), шунингдек, воситачилик дастурлари (Victim-Offender Mediation Programs) доирасида амалга оширилади.

Улар ҳуқуқбузар ва жабрланувчиларни ўзаро учраштиришни ташкил қиладилар, ҳуқуқбузарлар эса, жабрланувчи билан ярашув битимини тузишга ҳаракат қилади ва шу орқали жиноятдан етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини зиммаларига оладилар. Бу дастур бўйича махсус воситачи - холис шахс дастлаб жабрланувчи ва жиноятчи билан алоҳида-алоҳида учрашади, содир бўлган воқеа юзасидан уларнинг фикрларини эшитади, саволларига жавоб беради. Ҳар икки томон келишишни истаса, воситачи уларнинг учрашувини ташкиллаштиради. Жабрланувчи айбдорнинг сўзларини эшитади ва унга истаган саволини бериши мумкин.

Айбдор ҳам жабрланувчининг сўзларини эшитади, жабрланувчи ўзининг важларини айтади. Шундан сўнг улар етказилган зарарни ундириш ҳақида ёзма шартнома тузадилар ва шартнома ишни ярашиш учун юборган органга тақдим этилади. Иш суддан келган бўлса, шартнома ҳукмнинг бир қисмидан иборат бўлади. Агар иш полициядан ёки прокуратурадан келган бўлса, тузилган шартнома муваффақиятли амалга ошганидан сўнг тугатилади¹².

References:

1. С.М.Саҳаддинов. Ярашув институти: илмий-назарий, жиноят- ҳуқуқий ва процессуал асослари. Монография / Масъул муҳаррирлар: Академик. Н.Й.Тураев, ю.ф.д. профессор. З.Ф.Иноғомжонов. – Т.: 2013. Б. 265.
2. Ф.Иноғомжонов, Г.З.Тўлаганова. Жиноят процесси иштирокчилари. Ўқув қўлланма. – Т.: ДТДИ, 2006. – 131 б.
3. Т.Н.Тиллаев. Жиноят процессида фуқаровий даъвони таъминлаш масалалари. Ўқув-амалий қўлланма / Т.Тиллаев; масъул муҳаррир ю. ф. д. Ф.Мухитдинов; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети. — Т.: «Noshir» нашриёти, 2013. – 112 б.
4. М.Усмоналиев. Судланганлик унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – 65 б.
5. Mentel, Z. Racial Reconciliation, Truth Telling and Police Legitimacy. Washington, DC:

¹² Мухторов Н. Ярашув институти такомиллашмоқда. Қалқон 7-июль 2009 й. 2-3 бетлар

Office of Community Oriented Policing Services, 2012.

6. Punishment, Reconciliation and Democratic Deliberation / D.Crocker, 2002.
7. Ухова Е.В. Институт частного обвинения в уголовном судопроизводстве. М.: Изд-во "Юрлитинформ", 2008. – С.45.
8. Максудов Р.Р. Институт примирения в уголовном процессе: необходимость и условия развития / Р.Максудов, М.Флямер, А.Грасенкова// Уголовное право. – 1998. - №1. С.67-76.
9. З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова Алоҳида тоифадаги жиноят ишлари бўйича иш юритиш. Ўқув қўлланма. – Т.:ДТЮИ нашриёти, 2009.- 113 б.